


МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ



Бугун 25 сентябр куни туман ҳокимлиги мажлислар залида ОАВ ва блогерлар иштирокида Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича матбуот анжумани ўтказилди. Матбуот анжуманида туман ҳокими ўринбосари И Бобоқулов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси Олтинсой тумани бўлими мудири X Астанақулов, З-сектор раҳбари О Жиянов ва 4-сектор раҳбари Ш Нуриддиновлар иштирок этишиб, саволларга батафсил жавоб беришди.

Маълумот ўрнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-5048-сонли қарори** асосида туман ҳокимининг 2021 йил 10 апрел куни 497-сонли қарори қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Маҳалла сони - 2 та (Қорлик, Жобу)

Аҳоли сони - 10002 та (Қорлик 5055 нафар, Жобу 4947 нафар)

Хонадон сони - 2077 та (Қорлик 812 та, Жобу 1265 та)

Ажратилган маблағ - 23,7 млрд сўм (Қорлик 11,2 млрд. сўм, Жобу 12,5 млрд. сўм).

“Темир дафтар”да - 9 та оила (Қорлик 5 та, Жобу 4 та);

Аёллар дафтарида - 34 та нафар (Қорлик 16 та, Жобу 18 нафар);

Ёшлар дафтарида - 130 нафар (Қорлик 65 та, Жобу 65 нафар);

“Темир дафтар”га киритилган **9 та** оиладан **4 та оила**, **“Аёллар дафтари”** даги **34 нафар** аёлдан **34 нафари**, **“Ёшлар дафтари”**даги **130 нафар** ёшлардан **130 нафари** доимий даромад манбалари билан таъминланади ва ушбу дафтарлардан чиқарилади.

Бажарилган ишлар:

Хозирги кунда 4 та янги трансформатор ва 65 та таянч устунлари ўрнатилиб, 3,2 км электр тармоқлари тортилди.

Шундан, Қорлиқ маҳалласига 2 та трансформатор ва 42 та таянч устунлар ўрнатилган ўрнатилиб, 1,5 км тармоқ тортилди.

Жобу маҳалласига 2 та трансформатор ва 42 дона таняч устунлар ўрнатилди.

Хозирги кунда 3,0 км пиёдалар йўлакчаси қурилиши амалга оширилди.

Шундан Қорлиқ маҳалласида пудратчи Олтинсой бунёдкори хусусий фирмаси томонидан 2,0 км ва Жобу маҳалласида Камол КТҲК томонидан 1,0 км пиёдалар йўлакчаси қуриб битказилди.